

ЖАҲОН СУЗУ

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, РАБИ УС СОНИ, 29-КУН.

ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, АҚРАБ, 18-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОДИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1991 йил 7 ноябрь, пайшанба, 216-сон

НАРХИ

ОБУНАЧИГА 7 ТИЯНН. СЎТУВДА 10 ТИЯНН.

ҚАРДОШЛАР ҚЎЛ ОЛИШГАНДА

Тарихий ҳужжатлар имзоланди

Беларусь республикасининг ҳукумат делегацияси аъзоларини Тошкент қаддон дўстлар, туғишган оғинлардек кутиб олди. Республика Олий Кенгашининг раиси С. С. Шүшкевич билан бирга Ўзбекистонга Беларусь Республикаси Олий Кенгаши раисини уриносари В. И. Шолонов, Олий Кенгаш Қонуничилик комиссиясининг раиси Д. П. Булахов, Олқоралик, оммавий ахборот воситалари ва инсон ҳуқуқлари масалалари комиссиясининг раиси И. М. Короченя, Халқаро шилар на ташқи иқтисодий алоқалар комиссиясининг раиси П. В. Садоский, Миллий сийбас ва миллатлараро муносабатлар комиссиясининг раиси М. А. Слемнев, Ҳалқ депутатлари Могилев вилоят кенгашининг раиси Н. Ф. Гринев, Енгил саноат вазири Н. Т. Гулев, Фанлар академиясининг вице-президенти А. В. Степаненко келдилар. Делегация таркиби бу қадар муътабар бўлишига боис шуки, иккала мустақил республика муносабатларнинг янги даврига — давлат даражасидаги муносабатларга ўтди.



Тошкент билан танишув.

(ЎЗАТАГ).

6 ноябрь кунини Беларусь Республикасининг расмий делегацияси билан бўлиб ўтган музокарада Ўзбекистон Республикаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Д. Н. Шамшетов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг уриносари Б. И. Бутров, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг раисининг уриносари В. Р. Исмомов, В. С. Ҳамидов, Олий Кенгаш Ошкоралик масалалари комитетининг раиси Ө. В. Вохидов, Чет эллар билан алоқа комитетининг раиси П. Қ. Ҳабибуллаев, Қонуничилик, қонунийлик ва ҳуқуқтартибот масалалари комитетининг раиси Ө. Х. Ҳалилов, Ҳалқ депутатлари Тошкент вилоят советининг раиси С. Д. Сайдалиев, Фанлар академиясининг президенти М. С. Саложидинов, Ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар советининг раиси А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов билан Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг раиси С. С. Шүшкевич Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикасининг ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асосларини имзолашди. Иккала республика ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тўғрисида ҳуқуқмағлараро битим ҳам имзоланди. Уни Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсодиқов билан Беларусь Республикасининг Вазирлар Кенгаши раисининг уриносари В. А. Заламай имзолашди.

Иккала республиканинг раҳбарлари журналистлар билан бўлган сўзбастада мана шу энг муҳим ҳужжатларнинг имзоланишини тарихий қадим деб атадилар. И. А. Каримов билан С. С. Шүшкевич журналистларнинг саволларига салкам бир ярим соат мобайнида жавоб қайтардилар. Турли-туман саволлар берилди, уларнинг ҳар бирига батафсил жавоб қайтарилди. Ҳа, журналистлар билан мана шундай уршушулар яхши аънава бўлиб қолди, улар раҳбарларнинг ўз оғзидан муҳим ахборот олиши, улар-

нинг бирон-бир масала ҳусусидаги нуқтаи назарини билиши имконини беради. Аммо журналистлар шаънига ҳам аччиқ гаплар айтилди. Бу сафар Станислав Станиславович қаламқашларга янгидай эътирозлар билдирди. Мухбирлар баъзан ўткир фактлар кетидан қувиб, воқеаларни бузиб кўрсатишдан ва ҳатто республикалар раҳбарларининг фиркаларини ўз биланга қўриқиб қўйишдан ташқил, оддий моддий таъминотдан маҳрум бўлган ўнлаб, юзлаб корхона эртага тақа-тақ тўхтаб қолади. Раҳбарларнинг вазифаси шиллаб чиқариш тўхтаб қолмаслиги учун, озиқ-овнат таъминоти бир меърида бўлиши учун ўз вақтида ариштиришдан, республикалар ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйишдан иборат. Бир лаҳза ўйлаб қўрайлик, Биз сариегини Беларусьдан олайми, тракторлар, унинг деталлари ҳам уша ердан келаяпти, ҳўш, агар бу маҳсулотларни юбориш тўсатдан тўхтаб қолса, нима бўлади — буни тасаввур қилиш қийин эмас. Республикаларимиз ўртасидаги алоқалар нақадар муҳимлигини мана шу кичик мисол кўрсатиб турибди.

қарорлаштириш йўлидир. Аммо биз бозор муносабатларига ўтсаккина, шу муносабатларнинг таркибий ва кўмакчи соҳаларини вужудга келтирсаккина, корхоналарга ва шилбаларомонликка эри бераккина бу ишда бирон-бир аргументлик натижага эриша олайми.

Шундангина биз одамларга қуйига қараб бориш тўхталишимиз, юқорига қўтарилишимиз кун бошлангани ҳусусида қаролот бера олайми. Биз яхши умидли кишилармиз, шундай бўлишига ишонамиз. Борис Николаевич келгуси йилнинг кузига бориб Россиядаги аҳвол яхшилана бошлайди, дейпти. Биз ҳаммаки бир-биримиз билан чамбарчас боғланамиз. Республикалардаги жараёнлар ҳам таҳминан бир хил кечаяпти. Ишончимиз, бизнинг республикамиз ўзининг шартномалик маъбуриятлари бажарилишини нақадар фалатиминлаб бора, кўп қўлгайратар билан йўлга қўйилган ўз ташқи алоқаларини юриштириб, мустақиллашса, чет эллик ҳамкорлар билан яхши ишбилармонлик муносабатларини ўрнатса, Ўзбекистон халқларининг турмуш даражаси ҳам шу қадар тезроқ яхшилана бошлайди. Бу орада жуда кўп қўлгайрат сарфланмоқда.

Биз журналистлар билан уршушуда айтилган икки рақамни ён дафтаримизга ёзиб олдик. Беларусьда 350 мингдан кўпроқ ўзбек яшар экан, Ўзбекистонда эса 4,5 мингга яқин беларуслар бор. Рақамларнинг ўзи эмас, балки улар ҳам, булар ҳам ягона қардошлик оиласида яшайтганларини диққатга сазовордир. Модомки шундай экан, ҳозир «миллий масала бўйича баъзан мутахассислар» болшевиклар дўстлиги билан тузган халқлар дўстлигини ҳаққонда, бу муносабатларнинг сохталарини тўғрисида ниманики демаслилар, ҳақиқий воқеликка шак келтириб бўлмайди. Бу дўстлик яшамонда, шу кунларда дўстлигини янги мазмун билан бойимонда, бинобарин, у зангламай ва эскирмайди.

Ўзбек ва беларус халқларининг, ўзбеклар билан россияликларнинг, Ўзбекистон халқи билан Украина, Қозогистон, Ўрта Осиё республикалари халқларининг дўстлиги, келажак порлоқдир.

Беларусь расмий делегациясининг аъзолари республиканинг миллий боғини бориб кўрдилар. Шарқнинг буюк мутафаккири ва шонли Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилди, улар Халқлар дўстлиги саройини кўздан кечирдилар. Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Биз Самарқанд ва Бухоро ёнроқлиқларини кўришга орамдан эдик. — деди С. С. Шүшкевич. — Аммо оз вақтин оладиган шу сафарга ҳам вақт топиши қийин.

Ҳа, ҳаммамизнинг ҳам вақтинини жуда энг. Вазиятнинг ўзи тезроқ қарорлар қабул қилишни, уларни зудлик билан амалга оширишни тақозо этмоқда. Беларусь делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ҳам шуни кўрсатди.

Ҳукумат делегациясининг аъзолари шу кунинг Минск, ка жўнаб кетдилар.

В. ДРАЧЕВ, С. ФЕНОТИН, ЎЗАТАГ муҳбирлари.

Мирзачўлда қуриқ ерларни ўзлаштириш бошланганининг 35 йиллиги муносабати билан МЕЛИОРАТОРЛАРГА, ҚУРУВЧИЛАРГА, ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ МЕХНАТЧИЛАРИГА

ТАБРИКНОМА

80 та янги давлат хўжалик-лари барпо этилди. Бу эса инқилоб янги вилоят — Сирдарё ва Жиззах вилоятларини ташкил этишга, пахтачилик билан шуғулланганидан янги йиллик районини барпо этишга, республика ана шу минтақасининг жуда кўп иқтисодий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга имкон берди.

Турли касб ва миллатга мансуб юз минглаб қўлуварларнинг мислиси мураккаб ва қийин шароитдаги мисли қўриқилган ташаббускорлиги ва фидокорона меҳнати Ўзбекистоннинг сугориларидан ерларини икки баравар қўлгайитишга имкон берди.

Мирзачўлда қуриқ ерларни ўзлаштиришда иштирок этган барча кишиларни ҳамда улар орқали республикамиздаги қўлуварлар ва янги ер ўзлаштирувчиларнинг кўп миң кишилик отрядини самимий табриклайман!

Сизларнинг меҳнат жасоратининг ҳаммиса ўз халқига сadoқат билан хизмат қилиш намунаси бўлиб қолаверсин, сизларнинг Она-Ватанимиз — Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига қўшган бебаҳо ҳиссангиз халқ хотирамизда ҳаммиса сақланиб қолсин.

Ўзбекистоннинг Президентини **И. КАРИМОВ.**

Октябрга марсия ҚОНГА СИҒИНИШ

Мен Қизил мамлакатда туғилганман. Уша йил, Қизил кундоқдан чиқиб Қизил Бешика беланганимга тўққиз ой тўлганида Қизил Сталиннинг Қизил қомуси — конституция қабул қилинган. Эсимни анчайин танганимда, яъни олти йашарлигимда Қизил четдан тикилган жилдини қўтиқлаб мактабга борганимда отам Қизил аскар кийимини кийиб, Қизил кўшин сафига қўшилиб, Қизил қонга бўялган жанггоҳга жўнаганлар. Тоғам, икки амаким, бўлажак қайнотам, унинг укаси, хуллас — жону жигарларимнинг ҳаммаси Қизил армияга ефарбар бўлишди.

Қизил қонларнинг назариячилари — Маркс, Энгельс, буюк амалиётчи — Ленин руҳига фотихалар ўқиб, уларнинг Қизил мармардан тикилган ҳайкаллари пойига Қизил гуллар қўйиб ўтаман.

Қонга ихлос қонхўрликка олиб келди. Қонли жиноятчилик кўтурмоқда. Уғил отанинг, ука аканинг, эр хотинининг, бир эл иккинчисининг, қайсидир миллат гафри миллатининг, қўшини қўшинининг Хунини ичмоқда. Куппа-кундузими, ярим тундами, тонг-сахардами дахлсиз хонадонингизга никоб кийган ўғри-жаллодлар бостириб кийишадиде, зўравонлик ила уйингизни шип-шыйдам қилиб кетишадиде, ҳатто Қон тўкишининг, келинининг, синглинингиз, кўча-кўйда эркин юрломаса, машинангизни эшигингиз олдида қўймагангиз, бозор-чарда, автобус устга лейбусида чўнтагингизни шиллиб кетишса... Қизил октябрнинг шарофати деб билинг буларни.

Камини ҳам Қизилга мафтўнликда бўш келмадилар: аввалига Қизил бўйинбоғ бораб Қизил кашшоф, кейин Қизил нишонча тақиб Қизил комсомол, сўнгра Қизил билет олиб Қизил Ийичининг Қизил фирқаси сафларига ўтидилар. Мактабни ҳам Қизил, дорилфунунини ҳам Қизил гуларнома билан битирганман. Кўрагимга тақай десам Мехнат Қизил Байроқ орденим бор. Қизил шаҳадотномалар, Қизил ёрлиқлар, Қизил мактотномалар соҳибман.


Шошманг, биродар, қердан пайдо бўлди ўзи бу Қизиллик, қил-Қизил (қининлик) деб ёзишга сал қолди) ранг, қил-Қизил қарашлар, қил-Қизил ҳаёт! Гап шундаки, ва буни ҳар бир кимса билади, биз Октябр инқилоби (аникрофи — тўнта-риш)ни Қизил Байроқ остига лак-лак йўқсилларни, оларни, гадоларни, юпунларни, жонидан тўйганларни, собиқ маҳбусларни ва ҳоказоларни тўплаб рўбга чиқарганимиз. Аслида ўзбекининг Оқ пахта-сидан Иваново-Вознесенскда тўқилган Опоқ газлама фалончилар (нафақат улар) Қонига бўйлаб, Қизил яловга айланган. Қўчаларда Қон, майдонларда Қон, далаларда Қон, қир-адирларда Қон, дорелару демизлар суварларида Қон, кўрпа-тўшақда Қон. Ҳатто кўчаларда, юзларда, қўлларда Қон — инсон томчиларида кўпирган, ўқлар, қиллар, ханжарлар, тўллар зарбидан тўқилган Қизил Қон. Аслзодалар, шоҳлар, бойлар, бекарлар, «босмачилар, жаидлар, колхозга «қарши»лар, «халқ душманлари», аксиллик қилоччилар, ахли исломия Қонни ҳам қоршиган Бунга.

Биз азалдан Қон тўкилишига ашаддий қарши муслимлармиз. Инсон Қонни оқмасин дея ҳар йили Қурбонда Қон чиқаришимиз — жаннати жондор ҳисобланмиш қўйини сўйиб, гўшти тини элга таркатамиз. Иримчирик баҳонасида Қизил товуқини Қонини бусгага суртмасу. Биронинг, ҳатто нокасиз нокинсининг бурчидан Қон очилшини истамаймиз. Мазорларимизга, азизу авлибалар, шаҳиди шуҳадолар, анбиллар қабрлари, Қизил Қон эмас, Оқ туғ тикамиз. Ислоп ялов, Темир ва бошқа подшоҳлару лашкарбоширларнинг Байроқлари Қизил эмасди, ахир!

Бугун Қизил октябрининг өтмиш тўрттинчи Қизил (табий Қизил) тонгида XX асрининг машъум қашфиёти — инсониятни Қизил денгизга чўктириш интиқни кўзлаган, қонперестилини, Қондан жирканмаслиқни одамларга дастак қилиб берган, ошини ошаб, ашани яшаб, нураб-чириб тузган Қизил салтанат билан табиий видолашаман. Қонни тўқилганларнинг жойи, жаннатда, Қон тўқилишига сабабчиларники дўзахда бўлган.

Говиллягимиз курсини Қонли октябрни (бош ҳарфда атайлаб ёзмадим) Шоли октябр деб атадик ва унга сиғинадик.

Оқ байроқининг Қизилга бўйлашини ва ана шу Қизил қонга бурканган Қизил туман зулмидан қанча ўзбекнинг Қонни тўқилгани ҳусусида, бунинг сонико салмоғи ҳақида бошқа бир касбдошим ёзар, чунки менинг Қонга тўла юрагим бунга дош беролмас деб қўрқаман.



Сўнгги тўп отилди... Ҳаммаси чилпариниб бўлди. Мусаев Наримон ИВРОҲИМОВ.

